



2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета



ЭКОЛОГИК ТАШАББУСЛАР «ЮНЕСКО» тақдиротида

Вазирлик делегацияси
Париж шаҳрида бўлиб ўтган
ЮНЕСКО Ижроия кенгашининг
ахборот сессияларида иштирок этди.

5



ЎЗБЕКНИНГ ЖАМОЛИ

4

“Жадид боболаримиз ҳам тўй-маъракаларимиздаги исрофгарчилик, дабдабозлик, мақтанчоқлик миллатимизни маънавий таназзулга етаклайдиган иллат экани ҳақида қандай қуюниб ўтганларини яхши биламиз.... Очиғини айтадиган бўлсак, тўй-ҳашамлар билан боғлиқ ортикча ҳаражатлар минг-минглаб оилаларнинг нафақат иқтисодий ахволига, балки, бутун ҳаётига жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда”.

ЭНГ УЛУҒ САВОБ

2024 йилда Тошкент вилояти ҳудудидаги автомобиль йўллари ва ички кўчаларда ҳамда йўл иншоотларида 1 345,5 км узунликда қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш ишлари амалга оширилди ва ушбу мақсадлар учун 1 977,3 млрд сўм маблағ йўналтирилди.



8-саҳифа

МУСАФФО ТАБИАТ —

БЕБАҲО НЕЪМАТ

Соҳибқирон томонидан барпо этилган 12 та боғнинг географик ва экологик хусусиятларига мос дарахт турлар танланган ҳамда экилган. Бу эса дарахтларнинг яхши ўсиб ривожланишида жуда катта аҳамият касб этади.

7





«ЕНГИБ БЎЛМАС ТЎСИҚ ЙЎҚ»

Жорий йилнинг 15 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудлар тараққиёти ва аҳолининг турмуш шароитлари билан бевосита танишиш мақсадида Андижон вилоятига ташриф буюрди.

Андижон, деганда кўз олдимизда ишбилармон, фидокор ва оққўнгил инсонлар гавдаланади. Аҳолиси зич жойлашган ушбу ҳудуд саноат салоҳияти бўйича ҳам мамлакатда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Шу боис, давлатимиз раҳбари мазкур вилоятга доимий равишда алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бу эътибор самарасида ишсизлик ва камбағаллик даражаси бошқа ҳудудларга нисбатан анча паст. Чунки андижонликлар яратилаётган иқтисодий имкониятлардан оқилона фойдаланмоқда. Жумладан, “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойилига асосланган давлат дастури доирасида ҳудудларда тизимли оилавий тадбиркорлик йўлаклари ташкил этилган.

ишланмалар билан яқиндан танишди. Уларнинг муаллиф ва ташаббускорлари билан очиқ мулоқотлар олиб борди. Ҳар бир маҳсулот ортида турган гоё ва меҳнатни кадрлаган ҳолда, яхши тажрибаларни қўллаб-қувватлаш ва уларни мамлакат миқёсида оммалаштириш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Бугунги кунда Андижон вилоятида 11 мингдан ортиқ саноат корхонаси фаолият юритмоқда. Бу эса вилоятнинг умумреспублика саноатида 10 фоиздан юқори улушга эга эканини кўрсатади.

Хусусан, ҳудудда 47 та саноат зонаси ташкил этилган бўлиб, уларда умумий қиймати 2,3 триллион сўмлик 1 000 дан ортиқ инвестиция лойиҳаси амалга оширил-

эгаллаган бу вилоятда истиқомат қилади. Ана шу демографик босимни юмшатиш, аҳоли учун замонавий яшаш шароитларини яратиш мақсадида, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2021 йилда янги шаҳарнинг қурилиши бошланди. Бу галги ташриф давомида Президент мазкур мега лойиҳанинг дастлабки натижалари билан яқиндан танишди.

Янги шаҳар Андижон туманидаги адирликларда, илгари қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаган 4 минг гектар майдонда бунёд этилмоқда. Қурилиш ишлари саккиз босқичда амалга оширилиши режалаштирилган. Айти пайтда, 1 770 та хонадондан иборат 63 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди. Шунингдек, 1 680 ўринли умумтаълим мактаби, 420 ўринли болалар боғчаси, 250 қатновга мўлжалланган замонавий поликлиника ҳам қуриб битказилди. Бундан ташқари, енгил саноат корхонаси ва ипотека маркази ташкил этилиб, хизмат кўрсатиш соҳаси ҳам ривожланмоқда.

Давлатимиз раҳбари янги қурилган ҳудуд бўйлаб пиёда сайр қилиб, бунёд этилган турар жойлар ва ижтимоий инфратузилма

ди. Бу ерда амфитеатр, сайр ва дам олиш жойлари, болалар ўйингоҳлари, декоратив йўлақлар, замонавий ёритиш тизимлари, шунингдек, кафелар фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу боғ нафақат табиат билан уйғунликда дам олиш маскани, балки янги шаҳарнинг гўзаллик рамзига айланмоқда.

Янги шаҳар лойиҳасининг кўлами ниҳоятда кенг. Ҳудуднинг 1 439 гектарида 2 мингта кўп қаватли турар жой бинолари барпо этилиши режалаштирилган. Шунингдек, 1 820 гектар майдонда яшил ҳудудлар, кўнгилочар ва хизмат кўрсатиш иншоотлари, турли савдо шохобчалари ташкил этилади. Қурилишлар тўлиқ якунлангач, ушбу шаҳарда 410 мингдан ортиқ аҳоли доимий яшаши учун барча зарур шароитлар яратилади.

Андижон вилоятида “Янги Ўзбекистон” руҳининг ҳар бир туман, ҳар бир маҳаллага кириб бораётгани алоҳида эътироф этилди. Ўтган йил давомида вилоятда 4 мингдан ортиқ янги тадбиркор ўз фаолиятини бошлаган бўлса, 450 мингдан зиёд фуқаро доимий иш билан таъминланди.

Ҳисоб-китобларга кўра, ўтган йили вилоятда 1,5 миллион ква-



Вилоят миқёсида эса қўшма корхоналар, кластерлар, саноат зоналари ва технопарклар хорижий инвестициялар ҳисобига кун сайин кенгайиб бормоқда, ишлаб чиқаришдаги қўшимча қиймат занжири эса тобора мустаҳкамланмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев Андижон вилоятида ташкил этилган ҳудудий саноат ярмаркаси фаолияти билан танишди. Ушбу ярмаркада 110 та корхона томонидан ишлаб чиқарилган 500 га яқин турдаги маҳсулотлар намойиш этилди. Улар қаторида автомобилсозлик, машинасозлик, тўқимачилик, электротехника, рақамли технологиялар, қурилиш материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари, гулчилик, асаларичилик ва балиқчилик каби соҳаларга оид самарали лойиҳалар алоҳида ўрин эгаллади.

Давлатимиз раҳбари вилоятда ишлаб чиқарилаётган кенг турдаги маҳсулотлар ва илғор технологик

ган. Ушбу лойиҳалар доирасида 18 мингга яқин фуқаро доимий иш ўринлари билан таъминланган. 2024 йилда айти зоналарда 1 триллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган ва деярли 31 миллион АҚШ долларилек экспорт амалга оширилган.

Ҳозирги вақтда умумий қиймати 1 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган 288 та янги инвестиция лойиҳаси босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилда 119 та лойиҳа ишга туширилиши режалаштирилган бўлиб, бу орқали 4 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилади. Шу билан бирга, саноат маҳсулотлари экспорти 47 миллион долларга етказилиши кутилмоқда.

Андижон — юртимизда аҳолиси энг зич жойлашган ҳудудлардан бири. Айти пайтда, Ўзбекистон аҳолининг 10 фоизга яқини мамлакат ҳудудининг атиги 1 фоизини

Янги шаҳар Андижон туманидаги адирликларда, илгари қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаган 4 минг гектар майдонда бунёд этилмоқда. Қурилиш ишлари саккиз босқичда амалга оширилиши режалаштирилган. Айти пайтда, 1 770 та хонадондан иборат 63 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди.

объектларини кўздан кечирди. Кўчиб келган оилалар бугун тайёр хонадонларда яшамоқда. Болаларнинг ўйин майдончаларидаги қувончли чехралари ва кулгуси бу ердаги ҳаётнинг завқидан дарак беради. Бунёдкорлик ишлари изчил давом этмоқда — йил якунига қадар яна 40 та кўп қаватли уйни қуриб фойдаланишга топшириш режалаштирилган бўлиб, бу орқали мингдан ортиқ янги хонадонлар барпо этилади.

Янги шаҳар марказида 19 гектар майдонда “Янги Ўзбекистон” боғи барпо этилди. Боғ ҳудудига 10 минг тупдан ортиқ манзарали дарахт, бута ва гул кўчатлари экил-

драт метр турар жой ва 850 минг квадрат метрга яқин нотурар жой қурилди. Мазкур қурилишлар натижасида ички талабни қондириш, хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш ҳамда саноат ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имконияти юзага келди. Шу боис 2024-йилда вилоятда савдо ва хизматлар ҳажми 13 фоизга, саноат ишлаб чиқариши эса 7,5 фоизга ошгани қайд этилди.

Вилоятда яна бир муҳим йўналиш — қишлоқ хўжалигига яроқли ерларни сув билан таъминлаш ҳисобланади. Бугунги кунда 13 минг гектар адирлик ерда деҳқончилик қилиш мумкин, бироқ сув чиқариш учун зарур бўлган электр энергия-

сининг нархи кўпчилик фермерлар учун молиявий оғирлик туғдирмоқда. Шу боис, ушбу ҳудудларда қуёш панелларини ўрнатиш орқали альтернатив энергиядан фойдаланиш механизмлари йўлга қўйилди.

Қолаверса, Қўрғонтепа туманида 300 гектар адирлик ерда саноат усулида интенсив боғ ва узумзорлар ташкил этилиб, инфратузилмаси тўлиқ тайёр ҳолда тадбиркорларга таклиф қилинади.

Бошқа ҳудудлардаги самарасиз ишлаётган иссиқхоналарни Андижон вилоятига кўчириш ва уларни аҳолига лизинг асосида тақдим этиш режалаштирилмоқда. Бу орқали нафақат мавжуд инфратузилмадан оқилона фойдаланилади, балки фуқароларнинг даромад манбалари кенгайтирилади. Шу билан бирга, маҳаллаларга арзон уруғ ва минерал ўғитлар етказиб бериш орқали кишлоқ хўжалигида маҳсулдорликни ошириш мақсад қилинган.

Вилоятда мавжуд сунъий сув ҳавзаларининг атиги 23 фоизидagina интенсив балиқ етиштириш технологиялари қўлланилмоқда. Шу боис, Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда 15 миллион АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция ҳисобига 320 гектарда интенсив балиқчиликни ривожлантириш, 500 та хонадонни кооперация асосида жалб этиш режалаштирилган. Бу лойиҳанинг самарадорлигини ошириш мақсадида тегишли мутасаддиларга назоратни кучайтириш ва умуман мамлакат миқёсида балиқчиликни ривожлантириш бўйича топшириқлар берилди.

Андижон вилояти туризм салоҳияти жиҳатидан ҳам катта имкониятларга эга. Хонободдаги Кампиробод, Булоқбоши туманидаги Ширмонбулоқ ҳамда Хўжабод туманидаги Тош Ота маҳаллаларида туризм масканлари ташкил этиш орқали ташриф буюрувчилар сонини ошириш мумкин. 2025 йилда ушбу соҳада умумий қиймати 125 миллион АҚШ долларига тенг 25 та лойиҳа якунига етказилади, 3,5 миллион нафарга яқин хорижий ва маҳаллий сайёҳлар жалб қилиниб, туризм экспорти 200 миллион доллардан оширилади.

Андижон ҳар йили Қирғизистонга 200 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилмоқда. Бундан ташқари, чегара орқали қўлда 5 минг долларгача бўлган маҳсулот олиб ўтишга рухсат берилгани натижасида миллионлаб долларлик қўшимча савдо ҳажми вужудга келмоқда. Ушбу имкониятлардан самарали фойдаланиш мақсадида Қўрғонтепа ва Хўжабод туманларида эркин савдо ва саноат зоналарини ташкил этиш таклифи илгари сурилди.

Вилоятда 360 та бўш ва самарасиз фойдаланилаётган кўчмас мулк объектлари мавжуд бўлиб, уларни қулай шартларда аукцион орқали тадбиркорлик лойиҳаларига жалб этиш зарурлиги таъкидланди.

Сув ресурсларидан фойдаланишни самарали ташкил этиш мақсадида, сув оқими юқори бўлган ариқлар ва каналлар бўйида умумий қуввати 75 мегаваттга тенг кичик ва микро ГЭСлар қуриш имконияти мавжуд. Мазкур лойиҳаларда иштирок этувчи тадбиркорларга 3 йиллик имтиёзли



муаммолар юзага келмоқда. Шу боис, Осиё тараққиёт банки иштирокида ушбу қувурнинг иккинчи тармоғини қуриш зарурати қайд этилди.

Қўшни давлатлар билан боғловчи йўлларнинг ўтказувчанлигини ошириш, Андижон шаҳри билан туманлар ўртасида жамоат транспортини ривожлантириш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

Ижтимоий йўналишларда ҳам муҳим вазифалар белгилаб олин-

янада кенгайтириш, аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган устувор йўналишлар атрофлича муҳокама қилинди. Йиғилишда давлат раҳбари ҳар бир сектор бўйича амалга оширилиши зарур бўлган аниқ чора-тадбирларни белгилаб берди. У, шунингдек, барча масалаларнинг чуқур таҳлил этилганини, ҳар бир йўналиш учун молиявий манбалар аниқлангани, энг муҳими, реал ва амалга ошириладиган дастурлар шакллантирилганини алоҳида қайд этди.

Президент таъкидлашича, Андижонни янада обод, замонавий ва яшаш учун қулай вилоятга айлантириш учун мавжуд салоҳият етарли. Фақатгина бу йўлда барчанинг фидокорона, тизимли ва масъулиятли меҳнати зарур. “Агар бир ёқадан бош чиқариб, биргаликда ҳаракат қилсак, энгиб бўлмас тўсиқ йўқ, забт этилмайдиган марралар қолмайди”, — деди давлат раҳбари.

Ижтимоий йўналишларда ҳам муҳим вазифалар белгилаб олинди. Жумладан, Андижонда юқори технологияли жарроҳлик амалиётларининг улуши 40 фоизга етказилади. Техникум битирувчилари орасида 15 минг нафари иш билан таъминланади, 6 минг талаба эса дуал таълим тизими билан қамраб олинади. Олий таълимнинг муҳандислик, тиббиёт, иқтисодиёт ва аграр йўналишидаги 4 та ўқув дастури халқаро аккредитациядан ўтказилади.

давр билан, 7 йил муддатга 12 фоиз ставкада кредит ажратилиши кўзда тутилган.

Қурилиш ва инфратузилма йўналишларида ҳам кенг қўламли режалар белгиланган. Жумладан, жорий йилда вилоятда 9 700 хонадондан иборат 245 та кўп қаватли уй қурилади, бу орқали 10 минг нафардан ортиқ аҳоли бандлиги таъминланади. Шунингдек, 1 000 километрдан ортиқ йўл ва кўприқлар таъмирланади.

Хонобод–Андижон магистрал сув қувурининг мавжуд сиғими етарли эмаслиги сабабли 6 та туманда 510 минг нафар аҳолини ичимлик суви билан таъминлашда



ди. Жумладан, Андижонда юқори технологияли жарроҳлик амалиётларининг улуши 40 фоизга етказилади. Техникум битирувчилари орасида 15 минг нафари иш билан таъминланади, 6 минг талаба эса дуал таълим тизими билан қамраб олинади. Олий таълимнинг муҳандислик, тиббиёт, иқтисодиёт ва аграр йўналишидаги 4 та ўқув дастури халқаро аккредитациядан ўтказилади.

Президент раислигида ўтказилган йиғилишда Андижон вилоятини ҳар томонлама ривожлантириш, мавжуд иқтисодий, ижтимоий ва инфратузилмавий имкониятларни

Белгиланган вазифалар, аниқланган йўналишлар ва жалб қилинадиган ресурслар асосида амалга ошириладиган ислохотлар натижасида Андижон нафақат минтақавий етакчи ҳудудга, балки бутун мамлакат иқтисодий тараққиётининг драйверига айланиши учун мустаҳкам замин яратилади.

**Абдумалик
ТУЛАГАНОВ,
ТДИУ
мустақил
изланувчи**



(Боши 1-саҳифада)

Халқимизда шундай одат, анъана ва фазилатлар борки, улар инсоният маънавиятининг энг нодир зарвараклари сифатида бошқаларда ҳайрат уйғотади. Масалан, меҳр-оқибатни олайлик. Бу халқимизнинг энг олижаноб фазилатидир. Буни маҳаллалардаги ижтимоий-ахлоқий расм-русумлар исбот қилиб келмоқда. Ўзбек халқи азалдан жамоа туйғусига мойил. Бизлар тўйда ҳам, азада ҳам ёнма-ён туриб, оддий кунларда ҳам бир-бирининг ҳолидан хабар олиб, каттанинг хурматини, кичикнинг иззатини жой-жойига қўйиб, бева-бечораларнинг, етим-есирларнинг бошини силаб, хуллас, одамгарчиликни барча нарсадан устун қўйиб яшаган инсонларнинг фарзандларимиз.

Халқимизда фарзандларни аждодларнинг бой мероси руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор берилади. Оилада ота-оналар ўз фарзандларига халқимиз томонидан минг йиллар давомида тўпланган амалий тажрибалардан, ахлоқ-одоб, урф-одат ва маросимлар, қадриятлардан сабоқ бериб борганлар.

Марказий Осиё халқлари, хусусан, ўзбек халқининг эзгу урф-одатлари, анъаналари, қадриятлари, байрамлари, тўй-томошаларида, фарзандларнинг соғлом, билимдон, одобли касб-хунар эгаси, меҳнатсевар бўлиб ўсишларини ният қилиб ўтказиладиган маросимларида ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Одамларнинг бошини қовуштирадиган, уларни бир тан, бир жон бўлиб меҳнат ва роҳатга жалб этадиган пурҳикмат урф-одатларимизни санаб адо этиб бўлмайди. «Ҳашар» деб аталувчи шундай миллий удумимиз борки, унинг таърифи ҳар қандай миллат одамларини ҳайратга солади. Халқимиз маънавиятини юксалтиришда миллий урф-одатларимиз ва уларнинг замирида мужассам бўлган меҳр-оқибат, инсонни улуғлаш, тинч ва осойишта ҳаёт, дўстлик ва тотувликни кадрлаш, турли муаммоларни биргалашиб ҳал қилиш каби ибратли қадриятлар тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Қадриятларимизнинг сақланиши ва ворисийлик асосида авлоддан-авлодга ўтишида маҳаллаларнинг азалдан роли ниҳоятда муҳим бўлган, ҳозирги кунда маҳаллаларга катта эътибор берилиши бежиз эмас. Лекин, бугунги кунда халқимизнинг айрим вакиллари ўртасида сохта шухрат кетидан қувиб, ном чиқариш, ўзини кўз-кўз қилиш, керагидан ортиқ дабдаба билан тўй ўтказиш, исрофгарчиликка йўл қўйиш ҳоллари кўпайиб қолган эди. Бу эса муқаддас урф-одатларимиз қадрсизланишига олиб кела бошлади.

ЎЗБЕКНИНГ ЖАМОЛИ



Президентимиз таъкидлаганидек, “Жадид боболаримиз ҳам тўй-маъракаларимиздаги исрофгарчилик, дабдабозлик, мақтанчоқлик миллатимизни маънавий таназзулга етаклайдиган иллат экани ҳақида қандай куюниб ўтганларини яхши биламиз.... Очигини айтадиган бўлсак, тўй-ҳашамлар билан боғлиқ ортиқча харажатлар минг-минглаб оилаларнинг нафақат иқтисодий аҳволига, балки бутун ҳаётига жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда”.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш, тўй-маърака фақат шахсий иш эмас, ижтимоий масала эканини инобатга олган ҳолда ҳукуматимиз томонидан оилавий маросимларни тартибга солиш, уларни ихчам, исрофгарчилик ва дабдабага йўл қўймасдан ўтказиш чора-тадбирлари кўриломоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мақсад у ёки бу расм-русумларни инкор этиш ёки тақиқлаш эмас, балки қадриятларни эъзозлаш ва ортиқча одатларнинг бачканалашиб, меъёридан ошиб кетишининг олдини олиш. Халқ ақл-заковатига зид одатлардан, манманлик ва исрофгарчиликдан халос бўлиш, инсон ҳаётининг асосий шартини бўлган меҳнат ва унинг эвазига эришилган ноз-неъматлар қадрига етишни чуқур англаш асосий муддаодир. Зеро, инсон ҳаётидаги энг улуғ мақсад – унинг кадр-қиммати ва бахтидир.

Маҳаллаларда миллий анъаналарни кенг тарғиб қилиш, қадриятларимизга зид, тараққиётимизга тўсиқ бўлаётган иллатларга қарши жамоатчилик фикрини шакллантириш борасида қатор амалий тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга тадбиқ этилаётганлиги қувонарли ҳолат.

Нонни эъзозлаш ўзбек халқининг қадимий анъанасидир. Ҳар бир оила болани ёшлигидан нонни эҳтиёт қилиш, ҳар бир ушоғини ҳам увол қилмасликка ўргатади. Меҳмон учун биринчи галда нон ушатилади. Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларининг қаерига борманг, кўчадан ўтиб кетаётган танишингиз уйига таклиф этиб,

“нон еб ўтинг” деб илтифот қилади. Уйига киришга иложи бўлмаган кишига нон олиб чиқиб кўнглини хушнуд қилишга ҳаракат қилади. Чақалоқ ёстиғи тагига у бадавлат бўлсин, деб нон қўйишади. Сафарга кетаётган одамга ҳамроҳ бўлсин, деб нон беришади. Ушбу анъанамиз ҳам ёшларимиз тарбиясида муҳим роль ўйнаётганлигини таъкидлаш лозим.

Маълумки, бола тарбияси оиланинг бош вазифаси ҳисобланади ва бу вазифа нафақат оилада, балки ижтимоий жиҳатдан муҳим бўлганлиги туфайли давлат ва жамоатчилик томонидан ҳам фаол бажарилиб келинган ва келинмоқда. Қадимдан ўзбекларда ёшига, жинсига ва табиатига қараб бола тарбиясига алоҳида эътибор берилган. Ўғил болаларга ёшлигидан оталар уруғининг давомчиси, меросхўри, оила ор-номуси ва ифтихори, ҳимоячиси, қизларга нисбатан устун турадиган эркаклик фазилатларини онгига сингдириб, қизларга эса бўлажак она ва уй бекаси вазифасини адо этувчи шахс сифатида тарбия беришган. Аста-секин вояга етиши билан ўғил бола ота таъсирида, қиз бола она таъсирида муайян тартибларга ўргатила бошланган. Одат бўйича болалар 6-7 ёшидан меҳнатга ўргатилиб, даставвал енгил ишларни, 10-12 ёшидан бошлаб оғир хўжалик ишларини бажара бошлаганлар. Бола тарбиясига ота-она ва жамоатчилик алоҳида эътибор берган, айниқса уларнинг одоб-икромли бўлиши кўпчилиكنинг диққат марказида турган.

Бизнинг фикримизча, халқимизнинг анъана ва урф-одатларига замон талаби асосида ёндашув зарур. Анъана ва урф-одатларимизда ҳаёт фалсафаси, инсон дунёси, хурсандчилиги ва ташвишлари мужассам ҳолда уйғундир. Мамлакатимиз халқлари маънавий ҳаёти, урф-одат ва анъаналарининг ҳар бири ўзига хос шакл, маъно, мазмун ва моҳиятга эгадир.

Миллий руҳимизни кўтариш, аждодларимизни танишимиз, келгуси ва ҳозирги авлодни тўғри

тарбиялаш бугунги кун талабидир. Мамлакатимиз фуқаролари ўз қадриятларини англаши, улар фақат моддий эмас, маънавий бойиш ҳуқуқига эга бўлишлари, ўзларининг инсоний ҳақ-ҳуқуқларини, одамийликларини чуқур ҳис қилишлари, миллий ўзлигини англашлари бугунги кун талабидир.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириганда қуйидаги хулосаларга келишимиз мумкин:

Биринчидан, миллат унинг шахслари орқали моддий борлиқ сифатида намоён бўлади. Шахсларсиз миллат бўлмайди. Биз миллат ҳақида фикр юритганимизда, унинг вакиллари (шахслари) ҳаётида кечадиган жараёнларни назарда тутамиз, уларнинг ягона маънавий, руҳий ва ахлоқий омиллар замирида бирлашиб миллий маънавиятни шакллантирган моддий куч сифатида намоён бўлиши ҳақида фикр юритамиз. Шу маънода ҳам миллатнинг маънавий бойиши, табиий равишда унинг вакиллари (шахслари)нинг маънан бойиб боришини ўзида акс эттиришини тушунмоқ керак бўлади.

Иккинчидан, миллий урф-одат, анъаналар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, балки улар миллатнинг кундалиқ ҳаётида юзага келадиган турли ҳаётий воқеалар ва улар турмушида кечадиган жараёнлар таъсирида шаклланади. Яна ҳам аниқроғи, уларни миллатнинг ўзи меҳнати, фаолияти, интилишлари асосида шакллантиради. Шунинг учун уларнинг миллат ҳаётида омаллашиб кетиши, унинг бирлигини мустаҳкамлайди ва маънан бойиб боришига хизмат қилади.

Учинчидан, миллий урф-одат, анъана орқали миллатнинг маънан бойиб бориши, унинг заминларини мустаҳкамлайди, улар ўз навбатида миллий тараққиётнинг назарий асоси бўлган миллий ғоянинг шаклланишига, унинг аниқ мақсадлар йўлида жипслашиб ҳаракат қилишига куч ва қувват бағишлайди. Худди ана шу омил, ўз навбатида, миллат вакилларининг ўзлигини англашга, яъни ўз манфаатлари йўлида ягона куч сифатида ҳаракат қилишларида муҳим омил сифатида хизмат қилади.

Аммо бир томондан, миллий урф-одат, анъаналар миллий-маънавий тикланишимиз учун муҳим манба бўлиб хизмат қилаётган бўлса, иккинчидан, кейинги йилларида миллий менталитетимизга зид бўлган янги урф-одатларни шакллантиришга қаратилган ўринишлар бўлаётганлиги таъкидлашга тўғри келади. Бу салбий жараённинг олдини олиш тобора долзарблашиб бормоқда.

Илҳом СУВАНОВ,
Ижтимоий-маънавий
тадқиқотлар институти илмий
котиби, фалсафа фанлари
доктори (DSc), доцент



Ўзбекистон Республикаси
Экология, атроф-муҳитни
муҳофаза қилиш ва иқлим
ўзгариши вазирлиги маслаҳатчиси
Алишер Саломов
бошчилигидаги вазирлик
делегацияси Париж шаҳрида
бўлиб ўтган ЮНЕСКО
Ижроия кенгашининг ахборот
сессияларида иштирок этди.

ЭКОЛОГИК ТАШАББУСЛАР «ЮНЕСКО» ТАҚДИМОТИДА

Тадбирда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессиясига тайёргарлик ҳақида маълумот берилди. Унда экологик стандартлар ва барқарор ривожланиш тамойилларига риоя этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон “яшил” кун тартибиди фаол тарғиб қилмоқда ва йирик халқаро тадбирлар, жумладан, Самарқанд Иқлим Форуми, Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юрвчи турларини сақлаш тўғрисидаги Конвенция иштирокчилари конференциясининг 14-йиғилиши (CMS COP14), Чўлланишга қарши кураш тўғрисидаги конвенция ((UNCCD CRIC21)) бажарилишини кўриб чиқиш кўмитасининг 21-сессияси, шунингдек, йўқолиб кетиш хавфи остида турган ёввойи фауна ва флора турларининг халқаро савдоси тўғрисидаги конвенция иштирокчиларининг бўлажак конференцияси (CITES COP20) учун муҳим майдонга айланмоқда.

Асосий эътибор ЮНЕСКО билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган “Яшил ҳаракатлар режаси”га қаратилмоқди, бу Бош конференция учун иқлим бетарафлигини таъминлашга қаратилган тарихдаги биринчи ҳужжатдир. Режага барқарор инфратузилма, бир маргалик пластикдан воз кечиш, материалларни рақамли тақсимлаш, барқарор озиқ-овқат ва қайта тикланадиган энергиядан фойдаланиш қиради.

Тадбирда “Яшил боғ” ташкил этиш ташаббуси тақдим этилди, унда ҳар бир делегат барқарор ривожланиш ва экологик мерос ғояларига содиқлик рамзи сифатида конференция ўтказиладиган ҳудуд яқинида дарахт экиш таклиф этилади.

ЮНЕСКО котибияти вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувда “Яшил режа”ни такомиллаштириш, жумладан, электр транспортдан фойдаланиш, сувни тежовчи технологиялар ва углерод чиқиндиларини қоплаш механизмларини кенгайтириш бўйича таклифлар муҳокама қилинди.

Делегация иштироки Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва глобал экологик кун тартибиди илгари суриш йўлидаги яна бир қадам бўлди.



ЯШИЛ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Тошкентда “Маъсулиятли бизнес учун экологик воситалар” мавзусида ҳудудий семинар бўлиб ўтди. Бу тадбиркорлик фаолиятида экологик стандартларни амалда татбиқ этиш, барқарор бизнес моделларини ривожлантириш ва яшил технологиялар соҳасида халқаро инвестицияларни жалб этишга қаратилган жорий йилдаги биринчи тадбирдир.



GEN
Member

Маълумот учун: семинар Ўзбекистон Республикасининг экологик сиёсатини изчил ўзгараётган жараёнда ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 майдаги ПФ-81-сон қарорига мувофиқ, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, иқлим ўзгаришига қарши курашиш ва барқарор ривожланишни таъминлаш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш ваколатига эга бўлган янги институционал тузилма – Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ташкил этилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 20 январдаги 20-сонли қарори асосида тадбиркорлик субъектларининг экологик масъулиятини ошириш, шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун халқаро бозорларда рақобатдош устунликларни яратишга қаратилган маҳсулот ва хизматларни ихтиёрий экологик маркировкалаш тизими жорий этилмоқда.

Семинарда атроф-муҳитни тартибга солишнинг асосий жиҳатлари, жумладан, амалдаги қонунчилик талаблари, корхоналар учун хавф ва жавобгарлик чоралари, «яшил» тадбиркорлар учун солиқ имтиёзлари, экспортни рағбатлантириш ва молиялаштиришдан фойдаланиш, ихтиёрий экомаркет тизимини жорий қилиш контекстида халқаро стандартларга мувофиқлик каби имкониятлар ва имтиёзлар, шунингдек, экологик ўзгаришларни миллий даражада қўллаб-қувватлаш ва халқаро молиявий механизмларни қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокама қилинди.

Тадбирнинг асосий воқеалари:

- Экологик маркировкалаш Глобал тармоғи (Global Ecolabelling Network — GEN) раиси жаноб К.С. Венкатагирининг ташрифи ва унинг атроф-муҳитни сертификатлаш соҳасидаги халқаро амалиётга бағишланган нутқи;
- Ўзбекистон Республикаси Экологик сертификатлаштириш ва стандартлаштириш давлат маркази ва «Global Ecolabelling Network» ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумни имзолаш;
- Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Атроф-муҳит бўйича Дастури ((YUNEP)) кўмагида тайёрланган Ўзбекистонда экологик маҳсулотлар бозорининг ҳолати ва салоҳияти бўйича таҳлилий ҳисобот тақдимоти;
- Европа тикланиш ва тараққиёт банки вакиллари билан барқарор ва “яшил” ташаббусларни молиялаштириш масалаларига бағишланган панел муҳокамаси.

Тадбир натижасида қуйидаги натижаларга эришилди:

- экологик сертификация ва маркировкалаш соҳасида халқаро ҳамкорлик мустаҳкамланди;
- миллий экомаркалаш тизимини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш жараёнлари бошланди;
- бизнес ҳамжамиятининг хабардорлигини ошириш: хусусий секторнинг 50 дан ортиқ вакиллари экологик сертификатлаштириш соҳасидаги имкониятлар ва талаблар бўйича долзарб маълумотларга эга бўлдилар;
- давлат органлари, хусусий сектор ва халқаро ҳамкорлар ўртасида мунтазам мулоқотлар ўтказиш учун коммуникация платформаси яратилди;
- Халқаро молия институтларининг Ўзбекистон Республикасида «яшил» лойиҳаларни қўллаб-қувватлашдан манфаатдорлиги таъкидланди.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги Ахборот хизмати

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРНИ ТАРТИБГА

бу борада ким қандай фикрда?

СОЛИШ
КЕРАКМИ

?!

Бу жуда қизик ва долзарб мавзу! Ушбу саволга ҳар ким ҳар хил нуқтаи назардан жавоб бериши мумкин.

Ёлғон ва дезинформацияга қарши курашиш, болалар ва ёшларни ҳимоя қилиш, кибержиноятлар ва интернет тақибини камайтириш жиҳатидан бу муҳим. Умуман олганда, бунинг ижобий ва салбий жиҳатлари бор. Бу ҳақда юртдошларимиз қандай фикрда? Қуйида уларнинг айримлари билдирган мулоҳазалар билан танишасиз.

ОНЛАЙН ПЛАТФОРМАЛАР ЭРКИН, ЛЕКИН ХАВФСИЗ БЎЛИШИ ШАРТ

Мақтабимизда жами 1025 нафар ўқувчи таҳсил олади, уларнинг 516 нафари қизлар. Ўғил-қизларимизга 78 нафар олий маълумотли педагог таълим-тарбия бериб келмоқда. 13 нафар педагогимиз халқаро сертификатга эга. Фахрланадиган жиҳатимиз шуки, 24 нафар ўқувчимиз ҳам хорижий тил сертификатларини қўлга киритган. Бу рақамларни келтиришдан мақсад шуки, болаларимизни интернетнинг салбий таъсиридан асраб-вайлашга ҳаракат қилганимиз учун ўқувчиларимиз шундай муваффақиятларга эришмоқда.



Ҳеч кимга сир эмас, бугун интернет ва болалар масаласи муҳим бўлиб турибди. Интернет маълумот ва таълим олиш, мулоқот қилиш учун муҳим восита бўлса-да, ундан нотўғри фойдаланиш ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Мақтабимизда бу муаммога жиддий эътибор қаратиб, ўқувчиларнинг интернетдан фойдаланиш маданиятини ошириш чораларини кўраёмиз.

Масалан, мақтабимизда ўтказилаётган тарбиявий соат ва тренинглари ҳамда учрашувларда ўқувчилар ва ота-оналарга болаларни интернетнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш бўйича аниқ тавсияларни бераёмиз.

Назаримда, бу етарли эмасдек туюлаверади. Чунки яқинда ўқиб қолдим: 2024 йилда Интернетда наркотиклар тарғиботи 112, терроризм тарғиботи 2,2, порнография тарғиботи эса 5,3 баробарга ошган. Бу шунчаки статистика эмас, бу сизу бизнинг фарзандларимизга таҳдид.

Юқорида таъкидлаганимдек, таълим, ахборот алмашиш, дўстлар билан мулоқот қилиш ва ҳатто истеъдодни намоён этиш каби соҳаларда онлайн платформалар муҳим ўрин тутати. Болаларимиз ва ўсмирларимиз ҳам бу имкониятлардан кенг фойдаланмоқдалар. Бироқ, интернет олами қанчалик эркин бўлмасин, у ўз ичига муайян хавф-хатарларни ҳам яширади. Шу боис ҳам онлайн платформалар эркин, лекин хавфсиз бўлиши шарт.

Демак, онлайн платформалар болаларнинг эркин фикр алмашиш ва таълим олиш имкониятларини чеклашдан, уларни салбий таъсирлардан ҳимоя қилсин. Масалан, ёшга мос филтрлар ва назорат механизмлари жорий қилиниши, ота-оналар учун назорат воситалари яратилиши, киберхавфсизликка оид миллий стратегиялар ишлаб чиқиши керак.

Келажагимиз бўлмиш ўғил-қизларимизнинг соғлом, билимли ва ахлоқан етук шахс бўлиб вояга етишида интернет, албатта, муҳим. Аммо бу жараён фақат эркинлик билан чекланиб қолмаслиги, балки хавфсизлик билан ҳам мустаҳкамланган бўлиши зарур. Фақат шундагина биз келажак авлод учун ҳақиқий имкониятлар ва ишончли муҳит ярата оламиз.

Нигора ХОЛМИРЗАЕВА,
Чортоқ туманидаги 47-умумий ўрта таълим мактаби директори

ТАРБИЯДА ИСЛОҲНИ ЎЗИМИЗДАН БОШЛАШИМИЗ КЕРАК

Нафақат менда, балки бошқа ота-оналарда ҳам фарзандларига эътибор қаратиш камайган бўлса керак. Аини болажонларимга керакли вақтимда дарс, овқат ва дазмол қилиш, кир ювиш, уйларни тозалаш билан банд бўламан. Кечкурунга бориб, улар ўйнашимни, гаплашиб ўтиришимни, эртақ айтиб беришимни сўрашади. Мен эса чарчаган бўламан. Ўша пайт уларга: “Кўрдинлар-ку, кун бўйи дарс ва иш билан банд бўлдим, ётиб ухланлар энди, эртага эртақ айтиб бераман ва бирга ўйнаймиз” дейман. Лекин кун ўзгарса ҳам, мен айтган гап ўша-ўшалигача қолаверади.

Баъзида кўриб кетаман, ҳозир улар кичкина, урушсам жим ўтиришади, бироқ катта бўлганда-чи?! Унда кучим етмаслиги аниқ. Гапимга кирмайди, ҳозир уларга вақт ажратмаётганимни вақти келиб юзимга солишлари, энг ёмони, бошқа ота-оналар билан солиштиришлари мумкин. Шу ўринда яна бир ҳақиқатни тан олай, бу энг катта айбим бўлса керак. Тўполон қилмай ўтирсин ва ишларимни қилиб олай деб, бошидан қўлига телефон берганман. Ўзимнинг ҳаловатимни ўйлаб, катта хато қилганимни энди англаб етаяпман. Телефон қарамлигидан чиқариш энди қийин кечаяпти. Шунақанги жадлдор бўлиб қолганки, телефонни қўлидан олишим билан аразлаб, йиғлаб, сакраш даражасигача етган.

Олдинлари телефонни қўлига бериб, эътибор қилмасдим. Охирги кунларда кузатадиган бўлганман. Умуман, ёшларига мос бўлмаган видеоларни томо-

ша қилишаркан. Кейин ўзим эртақ, мультфильм ва тарбияга чақирувчи турли хил видеоларни кўйиб беришни бошладим. Лекин “буларни кўрмаймиз, жиннича” деб хитойликлар, корейслар ишлаган ҳар хил қисқа “shorts”ларни кўришади. Яна “Настя и папа”, “Игра в кальмара” ҳам шулар жумласидандир. “Игра в кальмара” сериалини томоша қилишмаган бўлса-да, қисқа видеороликларидан худди фильмдаги қаҳрамонлар ўйнаётган ўйинларни бирга-бир ўхшатишади.

Энди шуни англаяпманки, уларнинг қабул қилиши биз катталарга қараганда кучли. Телефон бермасдан, уларни тўғри йўлга йўналтирсам, мен кутгандан-да аълоқ натижага эришаман. Энди фарзандларимни бу тобеликдан олиб чиқишим учун, аввало, ўзим ўзгаришим керак. Айтишадику “қуш уясида кўрганини қилади” деб.

Менимча, Интернет ва ижтимоий тармоқларни тартибга солиш вақти келди. Бу борадаги барча қонунларни бир қатор кўриб чиқиб, бугунги кун талабига жавоб берадиган, фарзандларимизни ахборот хуружларидан ҳимоя қила оладиган қонун керак бизга.

Муниса МАҲАМАДВАФАЕВА,
ЎзМУ талабаси

ҲУШЁР БЎЛИНГ, ИНТЕРНЕТДА ПСИХОТРОП САВДОСИ БУНДАН ЎЗИМИЗНИ ЭҲТИЁТ ҚИЛАЙЛИК

Глобаллашув даврида бугун инсонлар ҳаётига хавф солувчи омиллар жудаям кўп. Психотроп, яъни гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилиш инсонлар ҳаёти учун энг хавфлиси ҳисобланади. Ачинарлиси эса унинг тенгдошларимиз, айниқса, мактаб ўқувчилари орасида оммалашаётгани долзарб муаммога айланмоқда. Бунга бир қанча сабабларни келтириш мумкин: оиладаги носоғлом муҳит, ота-онанинг фарзандларига вақт ажратмаётгани, ён-атрофдаги дўстларнинг таъсири ва, албатта, ижтимоий тармоқлар.

АОКАдан олинган маълумотларга кўра, 2023 йили Telegram мессенжери ва ижтимоий тармоқларда наркотиклар, психотроп моддалар ва прекурсорлар рекламаси/тарқатиш билан боғлиқ ҳолатлар 200 дан ошмаган бўлса-да, 2024 йил якунларига келиб бу кўрсаткич 18 393 тани ташкил этган.

Бу ҳақда гиёҳвандликка чалинган мактаб ўқувчиси шундай дейди:

“Ота-онам ҳаддан ортиқ каттикқўл. Шунинг учун ҳам улардан “қаердасан”, “нима қилибсан”, “сен қиз бошимизга етмасанг бўлди” каби сўзларни ҳар икки соатда эшитардим. Бундан қочишга жой ва чалғиш учун янги олам кидиришни бошладим. Туғилган кунимда эса “янги атмосфера”га тушдим”.

Мактаб ўқувчиси “оғу” ҳақидаги маълумотни Интернетдан, ўзини эса синфдошларидан харид қилишни бошлаган. Атрофдаги дўстлари, тенгдошлари таъсирига тушиб, битта эмас, турли моддаларни синаб кўрган. Кейин “оғу”ни яширинча қутилаб қабул қилишни бошлаган. Ушбу моддалар салбий оқибатларни кўрсатгач, асабий бўлишни бошлаган, иштаҳа йўқолган ва оилавий муносабатларда кескинлик ортган. Психотроп моддалар таъсирига тушиб қолган “қаҳрамонимиз” ота-онаси кўмагида нарколога учрашиб, даволанган.

Афсуски, вазият яна қайта такрорланган.

“Рухий ва эмоционал ҳолатимдаги ўзгаришларни кўриб, ота-онам мажбуран даволанишга олиб келди. Бир неча ой давомида муолажаларни олдим ва эски дўстларимдан ҳам воз кечдим. Тўхтатиб қўйилган мактабдаги таълимни давом эттирдим. Қизиқишим ёки яқинларимнинг кейинчалик ориқча ишончи сабабми “дори” қабул қилишни яна бошлаб юбордим. Ҳар қанча беркитишга уринмай, бу гал ҳам сездириб қўйдим. Онам кўзида ёш, отам эса эгилган боши билан диспансерга жойлаштириб кетишди. Ушбу “оғу”га ўрганиб қолишимга асосий сабаб, Интернет ва интизомий ҳаётдан эркин турмуш тарзига ўтганим деб ўйлайман”, – дея таъкилайди ўқувчи.

Шу ўринда болалар ва ёшлар орасида мана шундай кўнгилсиз воқеалар содир бўлмаслиги учун уларнинг тарбияси билан мунтазам шуғулланиш, шунингдек, ижтимоий тармоқлардан қандай мақсадларда фойдаланаётганига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ўқувчиларнинг психотроп моддалар таъсирига тушиб қолишида ҳамда уларнинг савдоси ошишида ижтимоий тармоқлар асосий воситачи сифатида хизмат қилмоқда. Демак, болаларни ижтимоий тармоқлардаги зарарли контент ва турли таъсирлардан ҳимоялашимиз керак. Бунда нафақат давлат, балки ота-она, педагоглар, тарбиячилар, яқинларнинг ҳам бурчи бўлиши керак.

Азизабону ҚУВОНДИҚОВА,
ЎзМУ талабаси



МУСАФФО
ТАБИАТ

БЕБАҲО НЕЪМАТ

(Боши 1-саҳифада)



Ўсимликлар барча тирик организмларнинг ҳаёти учун энг муҳим ҳисобланган кислородни ишлаб чиқарувчи ягона манба ҳисобланади. Ҳозиргача 500 000 тур ўсимликлар маълум бўлиб, шундан 6000 таси кишилар томонидан кундалик эҳтиёж учун фойдаланиб келинмоқда.

Экологик маълумотларга кўра, бугунги кунда 3 триллионга яқин дарахт туплари ўсмоқда ва ҳар йили 15 миллиарди кесилади. Олимларнинг фикрича, ер юзиде инсоният пайдо бўлганидан то ҳозиргача дарахтларнинг 15 фоизи кесиб юборилган.

Ўсимликлар орасида манзарали турлари мавжудки, улардан шаҳар кўчалари, хиёбонлар, истироҳат боғлари ҳамда ҳовлиларни кўкаламзорлаштиришда кенг фойдаланилади. Бундай ўсимликлар орасида дарахтлар алоҳида аҳамият касб этади. Улар нафақат кислород манбаи, балки муҳит микро-иқлимни мўътадиллаштиришда асосий ўрин эгаллайди. Сўнгги йиллардаги кузатишлар натижасига кўра, саноатлашган йирик шаҳарларда ёз ойида ҳаво ҳарорати 50 даражадан ортиб, ҳавонинг нисбий намлиги 30 фоиздан пасайиб кетган. Дарахтлар қалин ўсган хиёбонларда эса бу кўрсаткич 35-37 даражани, ҳавонинг нисбий намлиги эса 40-45 фоизни ташкил этиши кузатишган. Бундан ташқари иссиқ шамол (гармсел) дарахтлар қалин ўсган жойларда бироз совийди. Дарахтлар нафақат иссиқдан ҳимоя қилади, балки қаҳратон қишнинг ҳам нисбатан илиқроқ бўлишини таъминлайди. Бундан ташқари дарахтларга шовкинни пасайтирувчи энг асосий омил сифатида ҳам қаралади. Шунинг учун ҳам кишилар дарахтлар қалин ўсган жойларга ошиқади. Хиёбонлар ва боғлар катта майдонларни эгаллаган шаҳарларнинг иқлими мўътадил ва мусаффо бўлади.

— Олимларнинг фикрича, энг биринчи манзарали ўсимликлар атиргул билан лотос бўлган. Маълумотларга кўра, бу ўсимликлардан жамиятда 5,5-6 минг йил, гулсафсар ва хризантемадан эса 4 минг йил аввал фойдаланилган, — дейди СамДУ доценти, биология фанлари номзоди Абдурашид Жабборов.

Ота-боболаримизнинг бу гулларга бўлган муҳаббатини қояларга ва уй-жой жиҳозларига туширилган тасвирлардан, кашталарга тикилган гуллардан, нақшлардан, эски қўлёзмалардан ҳам билиш мумкин.

Тел-Эл-Амарандан топилган тошдаги ёзувлар шундан далолат берадики, бу ерларда йўл четларида қатор қилиб манзарали дарахт экилган. Сарой ва уй олдиларидаги боғларда биринчи марта ясси томли уйлар қурилиши Яқин Шарқда одат тусига кирган. Қадим Вавилон боғи боғ ташкил этиш санъати

тимсолидир, бошқача айтганда, Семирамиданинг «Осма боғлар»и қадимги дунё ажойиботларининг биридир. Мевали дарахтлари, турфа ўсимликлари, хаттоки ноёб қушлари бўлган қадимги Соломон боғлари ҳақида ҳам шундай фикр билдириш ўринли бўлади.

Шунингдек, XV асрда Амир Темур томонидан Самарқандда барпо этган боғларда шу ерда ўсган дарахтлардан ташқари бошқа ҳудудлардан келтирилган дарахтлардан ҳам кенг фойдаланилган. «Бобурнома»да қайд этилганидек, бу боғларда чинор, қайрағоч, толлар билан бирга ўзга ўлкалардан келтирилган эман, сарв, шамшод каби анвойи дарахтлар ҳам экилганлиги сўзимизнинг исботидир. Соҳибқирон томонидан барпо этилган 12 та боғнинг географик ва экологик хусусиятларига мос дарахт турлар танланган ҳамда экилган. Бу эса дарахтларнинг яхши ўсиб ривожланишида жуда катта аҳамият касб этади. Демак, ўша замонларданок ўзга юртлардан келтирилган ўсимликларни иқлимлаштиришга оид тажрибалар тўплаб борган. Самарқанд атрофидаги Кониғил, Мотрит, Чилустун, Имом Бухорий ҳамда Ургутдаги чинорлар ўша даврдаги Амир Темур боғларидан сақланиб қолган айрим тирик ёдгорликлар блиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Самарқанд шаҳрининг режа асосида ободонлаштирилиши ва кўкаламзорлаштирилиши XIX асрнинг иккинчи чорагига тўғри келади. Олим ва боғбон Н.И.Корольков Европа шаҳарларини кўкаламзорлаштириш тажрибасини ўрганиб, Самарқандда экиш мумкин бўлган 100 турга яқин манзарали, серсоя ва узоқ умр кўрадиган нодир ва ноёб дарахт ҳамда буталарни экишни тавсия этган. Шунга кўра 1872-1880 йиллар мобайнида Самарқанд шаҳридаги Университет хиёбони, Алишер Навоий номидаги марказий истироҳат боғи ва шунга ўхшаш бир қанча жойларга нодир, анвойи дарахтлар ўтказилган. Бу дарахтларнинг анчагинаси ҳозирда ҳам яхши ҳолатда.

— Сўнгги йилларда Самарқанд шаҳри инфратузилмаси қайта ташкил этилиши муносабати билан марказий кўчалар, истироҳат боғлари ва янги барпо этилган дам олиш масканларида замонавий шаҳар архитектурасига мос келади ланшафт дизайни яратилди, — дейди Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институти профессори Ақтам Ўролов. — Бунинг учун Самарқанднинг янги қиёфасига мос, кишига эстетик завқ берадиган, одамлар соғлигига салбий таъсир кўрсатмайдиган, энг асосийси шаҳар иқлимга мослашадиган ҳамда узоқ муддат вегетация қиладиган дарахт турлари келтириб экилмоқда.

Очиқ уруғлиларга мансуб қарағай,

қора қарағай, арча, тисс, ботқоқ кипарис кабилар кейинги йилларда кенг майдонларга экилмоқда. Бу дарахтлар тупроқ танламайди. Нисбатан тезроқ ўсади ва тезда қуюқ соя беради. Улар ўзидан эфир мойлари ажратиб чиқаради. Бу модда ҳаводаги турли зарарли микроорганизмлар ривожланишини чеклайди, ҳавонинг мусаффолигини таъминлайди. Бундан ташқари баҳорда, дарахтлар чангланадиган вақтда улардан ажраладиган чанг зарралари кишиларда кўп учрайдиган юқори нафас йўллари касалликларини даволашда ҳам фойдаланилади. Юрак-қон томир ва турли аллергия касалликларини даволайдиган санаторий-профилакторийларда ҳамда дам олиш сихатгоҳларида очиқ уруғли дарахтлар экилишининг сабаби ҳам шунда.

Сохта каштан, Япон софораси, Шойи акация, Кательпа, Оқ қайин каби дарахтларнинг шох-шаббаси, барги ва гули ниҳоятда чиройли. Улар кишини беихтиёр ўзига жалб этади. Қолаверса, уларнинг гули ва меваси турли хил касалликлар, жумладан, инсульт, инфарктни олдини олишда, даволашда замонавий тиббиёт ва халқ табиотида кенг фойдаланилмоқда.

— Кейинги йилларда Самарқанд шаҳрига ўзга мамлакатлардан иқлимизга тез мослаша оладиган жозибатор, ҳар томонлама фойдали, узоқ вақт гули, барглари сақланадиган дарахтлар келтирилиб экилмоқда, — дейди Ўзбекистон Финландия педагогика институти ўқитувчиси Ирода Орифжонова. Шундайлардан бири — Лола дарахтидир. Унинг ватани Шимолий Америка. Гули, ғунчаси лолани эслатгани учун шундай номланган. Йирик оқ, сарик, кизил ва пушти рангларда бўлади. Барги йирик, мусика асбоб лирага ўхшаш. Шох-шаббаси пирамидасимон, овал шаклларда бўлади. Кескин совуққа ҳам анчагина чидамли. Ёзда қуюқ соя беради. Гуллари бирин кетин 20-25 кунгача очилаверади. Ўзидан эфир мойи ишлаб чиқаради. Гули ширага бой. Барглари йирик бўлганидан кислород кўп ажратади ва ўзига хос микроиқлим ҳосил қилади. Бу дарахтни йирик шаҳарларнинг кўча, хиёбон ва истироҳат боғларида учратиш мумкин.

Бирор бир мамлакат турмуш даражасини баҳолашда экологик муҳитнинг қай даражада эканлиги энг асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Аҳоли турмуш тарзини юксалтириш, соғлом муҳитни шакллантириш, қолаверса, барқарор ривожланишни таъминлашда яшил ўсимликларнинг ўрнини ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмаслигини бугун бутун дунё англаб етмоқда.

Юқорида таъкидланганлардан келиб чиқадиган ҳулоса шундан иборатки, башарият қадимдан ўз соғлигини асрашда ўсимликлардан, шу жумладан, дарахтлардан кенг фойдаланиб келган. Бу жабҳада ота-боболаримиздан қолган катта амалий тажриба ҳам мавжуд. Шу боис дарахтларни асраб-авайлаш, парваришлаш, аҳоли зич жойлашган шаҳарларда ҳар томонлама фойдали дарахтларни экишни янада кўпайтириш мақсадга мувофиқ. Зеро, келажак авлод учун мусаффо табиатни қолдириш барчамизнинг инсоний бурчимиз ҳисобланади.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ,
журналист

Муассислар:

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси

Савдо-саноат палатаси

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси

Ўзбекистон экологик ҳаракати

Тахрир ҳайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ
Қаҳрамон ҚУРАНБОЕВ
Акмал САЙДОВ
Ақтам ҲАЙИТОВ
Қамолддин ИШАНХОДЖАЕВ
Даврон ВАҲОБОВ
Отабек ҲУСАНОВ

Бош муҳаррир
Мақсуд
ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.

Манзил:

Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-510
Адади: 1600

Пайшанба куни чиқади.

Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табоқ.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Жамият»

ижтимоий-сиёсий газетаси

2024 йил 2 августда

Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги

Ахборот ва оммавий

коммуникациялар агентлиги

томонидан 0010-рақам билан

рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7722

Боғланиш учун

телефонлар:

99-994-70-52

98-111-48-29

Электрон почта:

jamiyat@umail.uz

Газета индекси – 131

“ЖАМИЯТ”дан олинган

маълумотларда манба

сифатида газета номи

кўрсатилиши шарт.

Топширилган вақти: 20:00

1 2 3 4 5 6

ЭНГ УЛУҒ САВОБ

Хар қандай мамлакатнинг ободлиги, фаровонлигини белгилайдиган муҳим жиҳатлар қаторида йўлларнинг раволиги ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Хориждан ташриф буюрувчи меҳмонлар ҳам энг аввало, йўлларнинг ҳолати, тозаллиги ва кенглигига қараб, ўзининг хулосасини чиқаради.



Тан олиш керак, бундан етти-саккиз йил олдин нафақат ички, балки халқаро ва магистраль даражадаги йўлларимиз ҳам хароб аҳволда эди. Қишлоқлар йўллари-ку адоий тамом бўлган эди. Энди эса манзара бутунлай ўзгарди. Бугун қай бир худудга борманг, равон йўллар кўзга ташланмоқда.

Республика Автомобил йўллари қўмитаси томонидан йўлларни халқаро андозаларга мослаштириш учун ҳаракат қилинмоқда. Шу билан бирга айрим камчиликлар ҳам борлигини тан олишимиз керак. Мавжуд камчилик ва ютуқлар билан таништириш мақсадида 2025 йил 29 апрель куни Тошкент вилояти Автомобил йўллари Бош бошқармасида ОАВ вакиллари иштирокида матбуот анжумани ўтказилди ҳамда Пресс-тур ташкил этилди. Унда Тошкент вилояти Автомобил йўллари Бош бошқармаси бошлиғи Жаҳонгир Бекмирзаев олиб борилаётган ишларга батафсил тўхтади.

Маълумот ўрнида айтиладиган бўлса, Тошкент вилояти Автомобил йўллари бош бошқармаси тасарруфида жами 3 918 км узунликда умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари мавжуд. Шундан Халқаро аҳамиятдаги автомобиль йўллари 318, Давлат аҳамиятдаги автомобиль йўллари 1 351, Маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўллари 2 249 километрни ташкил қилади.

Мавжуд автомобиль йўлларининг 1 240 км узунликдаги қисми яъни, 31,7 фоизи таъмирталаб ҳолатда.

2024 йилда Тошкент вилояти худудидаги автомобиль йўллари ва ички кўчаларда ҳамда йўл иншоотларида 2024 йилда 1 345,5 км узунликда қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш ишлари амалга оширилди ва ушбу мақсадлар учун 1 977,3 млрд сўм маблағ йўналтирилди.

Сўнгги йилларда қишлоқ ва маҳаллаларда инфратузилма билан боғлиқ энг долзарб масалаларни тизимли ҳал этиш, жойларда ички йўллар ҳолатини яхшилаш орқали аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида жамоатчилик кайфиятига салбий таъсир этиб келаётган бир қатор муаммолар жойида ўз ечимини топмоқда.

Хусусан, Ташаббусли бюджет жараёнларини ўтказиш ҳамда молиялаштириш тартиби бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгазининг 2024 йил 30 январдаги “Ташаббусли бюджет жараёнларини ўтказиш ҳамда молиялаштириш тартиби тўғрисида”ги қарори тасдиқлаган. Шунга қўра, Ташаббусли бюджет жараёни бу – “Очиқ бюджет” ахборот порталида жамоатчилик фикри асосида лойиҳаларни шакллантириш, уларни саралаш, овоз бериш йўли орқали ғолиб лойиҳаларни

аниқлаш ҳамда бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштиришни ўз ичига олган жараёндир.

Ташаббусли бюджет дастурининг 1–2-мавсуми орқали 2023-2024 йилларда вилоят худудида 383,0 млрд сўм маблағ ҳисобига жами 864,7 км ички йўллар таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

Шундан:

2023 йилда 135,2 млрд сўм маблағ ҳисобига 314,9 км;

2024 йилда 247,8 млрд сўм маблағ ҳисобига 549,8 км.

Жорий йилда “Ташаббусли бюджет” дастурининг 1-босқичида жами 103 та объектда 148,9 млрд сўм маблағ ҳисо-



бига 267,2 км узунликдаги ички йўллар таъмирланиши режалаштирилган.

Биз сафар давомида дастлаб Паркент туманида бўлиб, йўл бунёдкорлиги соҳасида амалга оширилаётган ишларни кўрдик. Жумладан, туманда туризмни ривожлантириш мақсадида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида туманга борувчи сайёҳлар оқими кўпайди. Паркент йўлларида тирбандликларни бартараф этиш мақсадида туман марказини янги йўналиш бўйича “Паркентсой” сойининг қирғоғи бўйлаб айланиб ўтувчи бир томонлама ҳаракатланувчи 2 та ҳаракат тасмали 4 км узунликдаги автомобиль йўли Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ҳужжатларига мувофиқ туризм объекти атрофидаги ер майдонлари, сув ва инфратузилмаларни ривожлантириш дастурига киритилди. Буюртмачи – Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси. Лойиҳанинг умумий қиймати – 52,944 млрд сўм, қуввати – 4,4 км. Объектда қурилиш ишлари 2024 йилда бошланган бўлиб, қурилиш бошидан буён жами 30 млрд сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилган. Илгари бу ердан ўтган киши шу кунларда яна борса, танимаслиги мумкин. Чунки худудда кенг қўламли ишлар бажарилмоқдаки, агар кимдир ушбу жойларда шу пайтгача қуриш ишлари ястаниб ётарди, қаровсиз эди, деса ишонмаслиги мумкин. Ҳа, инсон қўли гул, деганлари шу бўлса керак...

Объектда лойиҳалаш ва қурилиш ишлари 2024 йил 1 октябрга қадар параллел равишда олиб борилган. Бугунги кунда объектда 40 см қалинликда кум-шағал аралашмасидан йўл асосини қуриш, 125 дона ЛК-6 маркали темир-бетон лоток ўрнатиш ва йўл асосининг устки қатламини қуриш ишлари бажарилган. Объектнинг 500 метр қисмига йирик донали асфальт-бетон қоришмасини ётқизиш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, объектга 220 дона қуёш панели ёрдамида ёритиладиган тунги ёритиш чирокларини ўрнатиш режалаштирилган.

Паркент тумани марказини янги йўналиш бўйича “Паркентсой” сойининг қирғоғи бўйлаб айланиб ўтувчи бир томонлама ҳаракатланувчи 2 та ҳаракат тасмали 4 км узунликдаги автомобиль йўлининг учинчи ҳаракат тасмасини қуриш объекти буюртмачи – Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси, пудратчи – Паркент тумани йўллардан фойдаланиш давлат муассасаси томонидан, “Ўзйўллойиҳа лойиҳа кидирув институти” МЧЖ лойиҳаси асосида амалга оширилди. Умумий қиймати – 14 млрд сўм, қуввати – 4 км.

Объектда қурилиш ишлари 2025 йил-

да бошланган бўлиб, қурилиш бошидан буён жами 3 млрд сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилган. Бугунги кунга қадар 10500 м² кум-шағал аралашмасидан 40 см қалинликда йўл асосини қуриш, 125 дона (750 метр) ЛК-6 маркали темир-бетон лоток ўрнатиш ва 10500 м² бетондан йўл асосининг устки қатламини қуриш ишлари бажарилган. Бугунги кунда 500 метр қисмида асфальт ётқизиш ишлари амалга оширилди.

Шунингдек, 4Р15 “Автойўли (42км)-Қизилтоғ ш.-Паркент ш.-Янгибозор к.” автомобил йўлининг 55–57-км ораллиғида “Паркент дехқон бозори” олдида ер ости пиёдалар ўтиш йўлакларини қуриш объекти 2025 йил дастурига киритилган.

1-ерости пиёдалар ўтиш йўлини қуриш объектида қурилиш ишлари 2024 йилда бошланган бўлиб, қурилиш бошидан бери жами 7,5 млрд сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилган ва 7,5 млрд сўм молиялаштирилган. Ҳозирги кунда объект аҳоли учун хизмат кўрсатмоқда.

Кумушқон дам олиш маскани — Паркент тумани марказидаги автомобиль йўлининг ПК34 қисмидаги кўприкни кенгайтириш объекти Президентнинг “2025-2027 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан дастурга киритилган. Умумий қиймати – 10,4 млрд сўм, қуввати – 1 дона. Объектда қурилиш ишлари

2024 йилда бошланган бўлиб, шу пайтга қадар 4,7 млрд сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилган.

Бугунги кунга кўприкда таянч қисмларни қуриш, қирғоқларни мустаҳкамлаш, кўприкнинг оралик қурилмаларини қуриш ишлари бажарилмоқда.

Бўстонлик туманидаги 4Р12 “Бектемир ш. – Чирчиқ ш. – Ғазалкент ш. – Чорбоғ қўргони” автомобил йўлининг 66–67-км ораллиғида пиёдалар йўлини қуриш объекти давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 30 ноябрда Тошкент вилоятига ташрифи доирасидаги йиғилиш баёнига мувофиқ бажарилмоқда. Буюртмачи – Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси. Умумий қиймати – 9,5 млрд сўм.

Қурилиш ишлари 2025 йилда бошланган. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, “Шаҳарсозлик экспертизаси маркази” ДМга ижобий хулоса олиш учун юкланган. Ҳозирги кунда объектнинг лойиҳасига Хитой технологияси асосида ер ишларини замонавий бургулаш ускунаси ёрдамида амалга ошириш бўйича лойиҳага қўшимчалар киритилмоқда. Эътиборлиси, ер ости ўтқизиш йўлини қуриш учун машиналар ҳаракати тўхтатилмайди, мавжуд йўл бузиб ташланмаган ҳолатда илк маротаба янги технология асосида қурилмоқда. Бугунги кунда бургулаш техникаси давомида ер ишлари амалга оширилмоқда.

Бўстонлик тумани 4Р6 “Тошкент ш.-Чирчиқ ш.-Чимён к.” автомобил йўлининг 80-81 км қисмини қайта қуриш объекти Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 17 апрелдаги махсус қарорига асосан йўл ишлари дастурига киритилган. Умумий қиймати – 85,1 млрд сўм, қуввати – 1,4 км. Айтиш жоғди бу ерда 73,7 млрд сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилган. 1 км 400 метр узунликда автомобил йўли, тоғ чанғи спорт тури ихлосмандлари учун 3 та жойда йўл усти кесишма йўлаги қурилмоқда. Мазкур бунёдкорлик ишлари мамлакатимиз мустақиллигининг 34 йиллик тантаналари арафасида поёнига етади.

Умуман олганда, кўнглини чароғон этиб, кўзни қувнагадиган бу каби бунёдкорлик ишлари республикамизнинг барча худудида амалга оширилмоқда. Бунинг учун юзлаб, минглаб ишчилар тер тўкиб меҳнат қилаётир. Катта кийинчилик ва машаққат билан барпо этилаётган йўллар шу азиз ва жонажон ватанимиз кўрки, албатта, аммо шу билан бирга уларни асраб-авайлаш, кадрлаш ҳам бурчимиздир. Зеро, йўл қурган, кўприк бунёд этган хайрли ва савоб ишлардан саналганидек, уларга зиён ва путур етказмаслик, ўз мулкимиздек муносабатда бўлиш ҳам ўзимизга, маҳалламизга, юртимизга наф келтиради.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ